

Молиявий ҳилалар

Қўйида реал тажрибага асосланган турли 7 вазиятлар тасвиранганд. Ҳар бир инсон кундалик ҳаётда ушбу вазиятларга дуч келиши мумкин.

Сизнинг вазифангиз – қўйидаги вазиятлардан қайси бири молиявий фирибгарлик ҳисобланади, қайсилари эса хавфсиз эканини аниқлашдан иборат.

1-ҳолат.

Азизанинг банк картасига нотаниш манзилдан пул маблағи келиб тушди. Шундан сўнг нотаниш одам Азизага қўнғироқ қилиб бошқа картага пул ўтказмоқчи бўшлганини, аммо адашиб Азизанинг банк картасига ўтказиб юборганини айтиб, карта рақамини беришини айтди ва айтилган банк картасига пулларни қайта ўтказиб беришини Азизадан илтимос қилди.

Ушбу ҳолатда Азизага қандай йўл тутшиши маслаҳат берасиз?

2-ҳолат.

Алишернинг электрон почта манзилига қўйидагича хабар келди:

“Ассалому алейкум, ҳурматли Алишер Абдуллаев!

Сизга яқин кунларда бизнинг сайтиизда “Кувноқлар ва Зукколар” танлови ўтказилишини маълум қиласиз. Танловда иштирок этиб ўз имкониятингизни синаб кўринг ва пул мукофотини қўлга киритинг. Танловда иштирок этиш учун қўйидаги сўровномани тўлдиринг ва бизнинг onlinekonkurs@mail.ru электрон почта манзилимизга юборинг. Рўйхатдан ўтганингизни таслиқлаш мақсадида сизга СМС-хабарнома юборилади.

Рўйхатдан ўтиш учун сўровнома:

Ф.И.Ш._____

Туғилган йили _____

Банк картаси рақами_____

CVC/CVV код_____

Танловда сизга омад тилаймиз!”

Ушбу ҳолатда Алишерга нима маслаҳат берасиз? Рўйхатдан ўтиши қанчалик хавфсиз? Нима сабабдан?

3-ҳолат.

Шахнозага банк ходими қўнғироқ қилиб ноқонуний савдо амалиётларида шубҳа остига олингани сабабли банк ҳисоб рақами ва картаси блокланишини маълум қилди. Агар Шахноза буни рад этадиган бўлса, қайта текшириш ўтказилиши учун банк ҳисоб рамамининг барча реквизитларини айтиши ва банк картаси орқали сўнгги бир ҳафта ичida амалга оширилган барча операциялар рўйхатини тақдим этиши зарурлигини таъкидлади.

Ушбу вазиятда Шахноза қандай йўл тутшиши тўғри? Нима сабабдан?

4-ҳолат.

Анварга кеч соат 11 да Илёс исмли ҳамкасби қўнғироқ қилди ва унга зудлик билан пул зарур бўлиб қолганини айтиб Анвардан 2 кунга қарз бериб туришини илтимос қилди. Анвар 2 кундан сўнг ойлик ишхонада ойлик маош берилишини билади. Анвар ҳамкасбига ёрдам беришга қарор қилди ва банк картаси рақамини сўради. Илёс банк картаси телефон рақамига боғланганини ва телефон рақами орқали пул юбориш мумкинлигини айтди. Анвар зарур маблағни юборди ва Илёсга пулларни қабул қилиб олиши учун кодни айтиш мақсадида қўнғироқ қилди. Аммо, кодни айтиши билан алоқа узилиб қолди. Қайтиб қўнғироқ қилганида эса, Илёснинг телефони ўчирилган эди.

Анвар ушибу ҳолатда молиявий фирибгарларга дуч келган бўлиши эҳтимоли борми?

5-ҳолат.

Наргиза тиббиёт университетида таҳсил олади. Ҳозирда у 5-босқич талабаси эканлиги сабабли, ўтган йиллардаги китобларини интернет дўконида сотувга қўйишга қарор қилди. Наргиза сайтга эълон жойлаштириди. Маълум муддатдан сўнг потенциал харидор Наргизага мурожаат қилди. Наргиза барча китобларни харидорга юбориш учун тайёрлаб қўйди, аммо харидордан китоблар учун пулни олдиндан олишга қарор қилди. У потенциал харидорга ўзининг банк картаси рақамини юборди ва тўловни амалга оширишини сўради. Харидор эса, аллақачон тўлаганини, ҳозирда интернет дўкони томонидан қўлланилаётган янги ўзгаришларга кўра Наргиза ҳавола орқали ўтиб (харидор томонидан юборилган) банк картаси маълумотларини киритиши орқали пулларни ўз картасига қабул қилиши мумкинлигини айтди.

Наргизага ушибу вазиятда қандай қарор қабул қилишини маслаҳат берган бўлар эдингиз? Интернет тармогида ўз банк картаси/ҳисоб рақамига доир маълумотларни жойлаштириши қанчалик хавфсиз? Нима сабабдан?

6-ҳолат.

Лола дугоналари билан йиғилиб мактабни битирганларининг 20 йиллигини нишонлашга қарор қилишди. Учрашувда Лоланинг дугоналаридан бири ўзи ишга жойлашган янги компания ишлаб чиқарадиган кимёвий воситаларни харид қилишини таклиф қилди. Уларни харид қилишдан ташқари, дугоналарини ушбу компанияга масофавий ишга жойлашишга ҳам ундади. Вазифалар жуда оддий – катта бўлмаган суммада бошланғич тўловни амалга ошириш ва иложи борича қўпроқ маҳсулот сотиш. Ойлик маош сотилган маҳсулотлардан ҳисобланадиган фоизлар кўринишида тўланади. Лола ҳозирги вақтда иш қидираётганлиги туфайли дугонасининг таклифини ўйлаб кўришга қарор қилди.

Сиз Лолага бу вазиятда қандай қарор қилишини тавсия берасиз ва нима сабабдан? Дугонасининг таклифи қай дараҷада ишончли?

7 ҳолат.

Сардор маҳаллий корхоналарнинг бирида инженер бўлиб фаолият юритади. Яқинда унинг дўсти Камол жуда мафаатли бир компанияга инвестиция киритишга жуда фаол равишда ундей бошлади. Унинг айтиши бўйича, агар ҳозир 5 млн сўм киритса,

бир йилдан сўнг 12 млн сўм олиш мумкин эканлигини айтди. Сардор бунга қизиқиб қолди ва компания вакиллари билан шахсан кўришиб гаплашиб олишни истади. Аммо, барча келишувлар фақат интернет орқали олиб борилар экан. Жуда муҳим шартлардан бири – компания тўғрисидаги маълумотларни овоза қиласлик эди. Сардор, ўзининг ойлик маоши яхши бўлишига қарамасдан, дўстининг таклифини ўйлаб кўришга қарор қилди.

Уибу ҳолатда Сардорга қандай қарор қабул қилишини тавсия этасиз ва нима сабабдан? Бу вазиятда фирибгарлик белгилари мавжудми, нима деб ўйлайсиз?